

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ
ЁНДАШУВЛАР : ИСТИҚБОЛЛАР, МУАММОЛАР
ВА ЕЧИМЛАР**

(Республика масофавий илмий-амалий анжумани)

БУХОРО, 2020 йил, 3-ноябрь

“Мақтабгача таълимда компетенциявий ёндашувлар: истиқболлар, муаммолар ва ечимлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани илмий моқола ва тезислар тўплами (2020-йил, 3-ноябрь).

Бухоро: 2020 йил.

Бош муҳаррир:

Педагогика фанлари номзоди, доцент Г.А.Камилова

Тақризчилар:

Авезов С.С. – ф.ф.н, доц.

Тўхсанов Қ.Р. – ф.ф.н, доц.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:

М.Б.Шарипова – Мақтабгача таълим кафедраси ўқитувчиси

Н.Н.Ҳамроева - Мақтабгача таълим кафедраси ўқитувчиси

Ушбу Республика масофавий илмий-амалий анжуманининг илмий мақола ва тезислари тўпламида Ўзбекистон Республикасининг “Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонуни, “Ўзбекистон Республикасида илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари”, “Илк қадам” Давлат ўқув дастури, шунингдек, мактабгача таълим тизимини ривожлантириш борасидаги ислохотларда белгиланган, соҳада амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиш ва бу борадаги тақлифларни ишлаб чиқиш бўйича илмий, амалий ва услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мазкур тўпламга киритилган мақолалар ва тезисларнинг мазмуни, статистик маълумотлар ҳамда билдирилган фикр ва мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

Бухоро - 2020 йил, 3-ноябрь

ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

*БухДУ Мактабгача таълим кафедраси доценти, п.ф.н
Г.А.Камилова,*

*Мактабгача таълим йўналиши 2-босқич магистрлари
Н.Жабборова, Н.Насимова*

Аннотация. Ушбу мақолада мактабгача таълим ташкилотларида машгулот ва фаолиятлар жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш методикасига тухталиб ўтилган.

Калим сўзлар : технология, педагогика, сифат, самарадорлик, таълим, тарбия, муассаса, тарбияланувчи

Аннотация. Данная статья посвящена методам использования новых педагогических технологий в процессе обучения и деятельности в дошкольном образовании.

Ключевые слова: технология, педагогика, качество, эффективность, образование, воспитание, учреждение, ученик.

Abstract. this article is devoted to the methods of using new pedagogical technologies in the process of teaching and activities in preschool education.

Key words : technology, pedagogy, quality, comaradery, education, education, effectiveness of exercise, rheumatism

Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук қилиб мактабга тайёрлаш мақсадини кузлайди. Таълим-тарбия анча эрта бошланса, унинг самараси шунча эрта намоён бўлади, шунингдек, инсоннинг бутун ҳаёт тарзига ижобий таъсир илади. Бугунги кунда Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг таълим-тарбияси масаласи давлатимиз, ҳамда юртбошимиз Ш.М. Мирзиёев эътиборида турган долзарб масалаларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2017 йил 16-август куни бўлиб ўтган йиғилишда мактабгача таълим тизимини тарқибий жихатдан тубдан ислох қилиш, мазкур муассасаларга болаларни тўла камраб олиш бўйича муҳим вазифалар кўйилган эди. Бу борадаги таҳлиллар натижасида уша вақтда учта йирик ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 9-сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги П-3261-сонли қарори, 30-сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими

бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли Фармони амда “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги – фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги П-3305-сонли қарори имзоланган. Мазкур соҳани такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган дастурда мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини сифатида, бу жараёнда мактабгача таълим муассасаларининг болалар ҳуқуқий саводхонлигини шакллантиришдаги ўрни ҳамда, республикада таълим-тарбия тизими ва барқамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши эканлиги таъкидланган. Халқимизда кенг тарқалган –Фарзандлари соғлом юрт қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур! деган ҳикматли иборани яна бир бор эсга олишимиз ўринли бўлади, деб ўлайман.

Биз таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат- эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат- эҳтиром ифодаси деб биламиз.

Ҳар бир жамиятда шахсни шакллантириш мақсади белгилаб олинади ва унга мос равишда педагогик тизим мавжуд бўлиши керак. Агар мақсад ўзгарса мавжуд тизим ҳам ўзгариши муқаррардир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этади фуқароларни тарбиялашни бош мақсад қилиб қўйди. Демак, Миллий дастур таълим ва тарбия соҳасидаги давлат буюртмаси ҳисобланиб мафқуранинг таркибий қисмини ташкил этади. Фақат ижтимоий (давлат) буюртмасигина таълим-тарбиянинг умумий мақсади ва вазифаларини аниқ белгилаб беради ёки олий (ўрта, ўрта махсус, касб-хунар) таълим учун педагогик тизимнинг мавжудлик шартларини қафолатлайди.

Ўқиш ва саводга тайёргарлик. Товушларни тўғри талаффуз этиш ва сўзнинг товуш таркиби ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва шакллантириш.

Унли ва ундош товушлар ҳақида тушунча бериш.

Жарангли ва жарангсиз товушларни ажратишга ўргатиш асосида фонематик идрокни ва тасаввурни ривожлантириш.

Соғлом боланинг дунёга келиши, бақувват бўлиб ўсиб улғайиши кўпгина талаб ва омилларга боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши

тушунамиз. Лекин улар орасида шундай ўта муҳим, ҳал қилувчи мезонлар борки,бу ҳақда алоҳида тўхталишни ўринли, деб биламиз.

Биринчидан, соғлом бола – аввало соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир.

Иккинчидан, соғлом болани вояга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни ва таъсири, шу билан бирга, масулияти катта экани ҳаммамизга яхши аён.

Учинчидан, соғлом болани вояга етказишда таълим –тарбия ва спортнинг ўрни ва таъсирини янада кучайтириш лозим.

Тўртинчидан, ҳаммамизга аёнки, фарзандларимизни, янги авлодни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, бу мақсадга эришиш, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз, жамиятимизнинг эътибор марказида туриши, олиб бораётган сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши шарт

Бешинчидан, соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг катта ўрни ва таъсири борлиги ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ. Халқимизнинг –Бир болага ети маҳалла ҳам ота, ҳам она деган мақолида, албатта, чуқур маъно мужассам.

Педагогик технология - бу таълим шакллари оптималлаштириш мақсадида техник воситалар, инсон салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб ўқитиш ва билим ўзлаштиришнинг барча жараёнларини аниқлаш, яратиш ва қўллашнинг тизимли методидир (ЮНЕСКО)

Педагогик технология бу - педагогнинг таълим-тарбия воситалари ёрдамида болаларга муайян шароитда ва маълум кетма-кетликда таъсир кўрсатиши ва акс таъсир махсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир. (Н.С.Сайидахмедов)

Педагогик технология - бу педагогнинг амалиётга жорий этиши мумкин бўлган педагогик тизим лойихасидир (В.Беспалко).

Академик В.П.Беспальконинг педагогик технологияга берган таърифининг уч моҳияти:

- ✓ болаларда ижтимоий тажриба жихатларини шакллантириш,
- ✓ таълим - тарбия жараёнининг «технологияланувчанлигини» амалга ошириш
- ✓ кафолатланган натижага эришишни ўз ичига олади.

Таълим технологияси|| тушунчаси Таълим методикаси|| тушунчасига нисбатан кенгдир. Таълим методи|| ўқув-тарбия жараёнининг комплекс вазифаларини ечишга йўналтирилган тарбиячи ва болаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш усули. Таълим методикаси|| эса муайян йўналишни ўргатишнинг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизимини ифодалайди.

Педагогик технологиянинг мохияти дидактик мақсад, талаб этилган ўзлаштириш даражасига эришиш ва уни татбиқ этишни ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнини олдиндан лойихалаштиришда намоён бўлади.

Педагогик технологиянинг марказий муаммоси бола шахсини ривожлантириш орқали таълим-тарбия мақсадига эришишни таъминлашдан иборат. Фан-техниканинг ривожланаётган босқичида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва улардан ўргатиш жараёнида фойдаланиш учун вақтнинг чегараланганлиги, шунингдек, ёшларни ҳаётга мукамал тайёрлаш талаблари таълим тизимига замонавий педагогик технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Ж.Йўлдошев. –Педагогик технология асослари||. Т: –Педагог||, 2004.
2. Болаларни мактабга тайёрлашда ноанъанавий ўйинлардан фойдаланиш. Т.:, РТМ. 2004.
3. Бола шахсини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари||, Халқаро илмий-амалий анжуманининг тезис ва мақолалар тўплами. 3-5 апрел, Т.:2008
- 4.Узбекистон Республикасида илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари|| .Т.: 2018.
5. “ Илк кадам ” Давлат ўқув дастури. Т.: 2018.
- 6.Камилова Г.А,Курбанова Г.Р, Джаббарова С.З. Асобенности формирования педагогических навыков у воспитателей дошкольно-образовательных учреждений.// АKADEMI.Научно-методический журнал,2020 №5 (56).С.25-27.

2-Шуьба: Давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ташкил қилиш ва бошқарув тизимларини такомиллаштириш

Муаллиф(лар)	МАВЗУ	Бет
Г.Ҳасанова, З.Ашурова	Жаҳон мактабгача таълим ривожда WALDORF концепциясининг аҳамияти	85
М.Нигматова, Э.Қурбонова	Развития творческих способностей детей на занятиях изобразительной деятельности	88
Г.Камилова, Н Насимова, Н Жабборова	Мактабгача таълим ташкилотларида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш	95
З.Жалилов, У.Жумаев	Мактабгача таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишда педагогик жараённинг ўзига хослиги	99
Г.Умарова, Н.Бегматова	Математик тасаввурларни шакллантиришда компьютерли машғулотларнинг диалог методидан фойдаланиш имкониятлари	110
Д.Эшова	Саҳналаштириш фаолияти жараёнида болаларда ижодий фаолликни шакллантириш	115